ЎзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
24 ЯНВ 1992

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

20 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА № 13 (518). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

# ЙЎЛДОШИ КЎПНИНГ ҚЎЛДОШИ КЎП

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

**Оролбўйи ўлкасининг ижодий жамоалари Ўзбекистон Республикасида ўтадиган Қорақалпоғистон маданияти кунларига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунларда қаерга борманг, ким билан суҳбатлашманг, бўлажак анжуман ҳақида, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг асрий қон-қардошлиги, мақсадларининг муштараклиги тўғрисида сўз очади.**

**Байрам арафасида ЎзА мухбирлари Қорақалпоғистон ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Тўлапберген Қаипбергенов билан учрашиб, ундан ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари хусусида гапириб беришни илтимос қилдилар.**

— Ўтказилажак анжуман ҳар иккала қардош туркий халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқда «Меҳр — кўзда» деган ибратли нақл бор. Дарҳақиқат, биз қанчалик тез учрашиб турсак, қувонч ютуқларимизни баҳам кўрсак, бамаслаҳат иш тутсак, бир-биримизга меҳримиз шунчалик ошади.

**— Тўлапберген оға, Қорақалпоғистон ёзувчилари уюшмаси раҳбари сифатида адабий ҳамкорликнинг сўнгги йиллардаги аҳволи ҳақида нима дея оласиз!**

— Дунёда дўстлик, тотувликдан улуғ маънавий неъмат бўлмаса керак. Шу боис, ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида нимаики зарур бўлса, уддасидан чиқишга ҳаракат қиляпмиз. 1992 йили улуғ мутафаккир шоир, Алишер Навоийнинг ғазалларини Даулен Айтмуратов таржимасида китоб ҳолида чоп этдик. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида унутилмас ўрин тутган адиб, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйи муносабати билан «Кашмир қўшиғи» асарини қорақалпоқ халқ шоири Бойниёз Қаипназаров таржимасида босиб чиқардик.

Хуллас, ўзбек адабиётини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиб келмоқдамиз. Филология фанлари доктори Камол Мамбетовнинг «Навоий ва қорақалпоқ адабиёти» китоби, филология фанлари доктори Каримбой Қурбонбоевнинг ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларига бағишланган «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» китоблари ана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилади.

**— Ўзбекистонда ўтадиган Қорақалпоғистон маданияти кунлари иштирокчиларига қандай тилакларингиз бор!**

— Тилак шуки, улкан маданий анжуман биз кутганимиздан ҳам жозибалироқ ўтсин. Юртимизда ҳамиша бугунгидай тинчлик, тотувлик, қардошларча иноқлик ҳукм сурсин. Ҳозирги қийин кунлар тезроқ ўтиб, дориломон, фаровон кунларга етайлик. Халқларимиз ўртасида маданий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди. Яна бир истагим. Илгарилари қорақалпоқ ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилига кўплаб таржима қилинарди. Кейинги пайтларда бу хайрли анъана бироз унутилди. Қорақалпоқ ижодкорлари асарларидан ўзбек китобхони доимо хабардор бўлиб турса, деган умидим бор.

**Қ. ШОНИЁЗОВ,**
**В. ТРОИЦКИЙ.**

**Косонсой шойи тўқиш фабрикасида маҳсулот сифатига катта эътибор берилмоқда. Фабрика тўқувчилари ҳозирги иқтисодий қийин шароитда ҳам иш суръатини пасайтирмаётирлар. Муборакхон Темирова кунлик иш режасини ошириғи билан бажариб келяпти. Бошқа тўқувчилар ундан ўрнак олса арзийди.**

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Қ. Ж. ҲАҚҚУЛОВНИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ УРИНБОСАРИ — НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ («УЗБЕКНЕФТГАЗ») БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Қайим Жалилович Ҳаққулов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси («Ўзбекнефтгаз») бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

**Узбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 19 январь.

## ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СУЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

### ГЎШТ КОМБИНАТИ ШАҲАРДАН ҚИШЛОҚҚА КЎЧДИ

**НАМАНГАН экологиясини озми-кўпми бузиб келган гўшт комбинати шаҳар ташқарисида қурилган янги бинога кўчиб ўтди.**

АВСТРИЯДАН келтириб ўрнатилган энг янги технологик ускуналар корхона қувватини икки баробар оширади. Кунига 40 тоннагача гўшт қайта ишланиб, 10 тоннага яқин колбаса тайёрланади.

Фақат бугина эмас, маҳсулот тури ҳам кўпайиб, сифати яхшиланади. Энди қайнатилган ва ним дудланганлардан ташқари ҳомлигича дудланган ва оддий дудланган колбасалар ҳам тайёрланади.

### МАРҒИЛОН ҚИЗЛАРИ ЧОПОН ТИКИШАЯПТИ

**«АТЛАС» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси тўқувчиликдан ташқари тикувчилик касбини ҳам ўзлаштирди.**

БИРЛАШМАГА қарашли бино таъмирланиб, 20 та тикув машинаси ўрнатилди. Марғилонлик қизлар ишга таклиф этилди. Ҳозир улар чопон, кўйлак, аёллар костюм-юбкалари, болалар шимлари тикишаяпти. Корхонада тайёрланаётган матоларнинг лахтаклари хом ашё вазифасини ўтаяпти. «Гулномозшом» фирма дўконига келтирилаётган тайёр кийимлар пештахтада туриб қолмай, пешма-пеш сотилмоқда.

### ДЕҲҚОН УЧУН ҚИШ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

**САМАРҚАНД туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги деҳқонлари ёзда очиқ, қишда ёпиқ далаларда меҳнат қилишаяпти.**

ОЙНАВАНД иссиқхоналарда етиштилаётган бодринг, помидор, лимон ва турли барра ошкўкларнинг бозори чаққон.

Деҳқонлар лимондан айниқса, мўмай даромад олишаяпти. Шу кунгача 80 тоннадан зиёд лимон сотилди. Бу режадагидан анча ортиқ, ҳосил эса ҳали мўл. Яна камида 15 тонна ҳосил йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

### ВОДИЙ ҲУСНИНИНГ АТИР СОВУНДАГИ АКСИ

**ФАРҒОНА ёғ-мой комбинатида маҳаллий хом ашёдан атир совунлар ишлаб чиқарила бошланди.**

«ВОДИЙ» ва «ФАРҒОНА» дея номланган атир совунларнинг сиртига туширилган гўзал манзараси ҳам харидорларни мафтун этади. Бу йил камида 8 минг тонна ана шундай тўрт хил янги атир совун ишлаб чиқариш мўлжалланган.

### ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ ИККИ БАРОБАР КЎПАЯДИ

**ХИВА гилам комбинатининг иккинчи навбатини қуришга киришилди.**

ҚАДИМИЙ шаҳардаги юқори рентабелли йирик корхонада ҳозир кунига 10 тоннага етказиб калава тайёрланади, 6 минг квадрат метрдан ошириб гилам тўқилади.

Бундан 15 йил муқаддам Хива комбинатини барпо этган 167-қурилиш тресги унинг иккинчи навбатини 1995 йилда қуриб битказгач, довруғи довон ошган Хоразм гиламлари ва гилам поёндозлари икки баробар кўпаяди.

### «НОДИРА» КЎКЛАМДА САВДОГА ЧИҚАДИ

**ЭНГ мураккаб электрон қурилмалар яратиш қобилиятига эга мутахассислар ташаббуси билан Тошкентда телевизор ишлаб чиқариладиган бўлди.**

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари телевизор ишлаб чиқарадиган йиғув линиясини монтаж қилишга киришдилар. У ишга тушгач, йилига 100 минг дона юқори сифатли ва нисбатан арзон Тошкент телевизори ишлаб чиқарилади.

«Нодира» деб номланган дастлабки туркум телевизорларни кўкламдаёқ савдога чиқаришга жазм этган бирлашма ходимлари ҳатто, дам олиш кунлари ҳам ишлаяптилар. Кейинчалик рангли телевизорлар ишлаб чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИГА, РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИГА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИНИНГ

# ОЧИҚ ХАТИ

Азиз дўстлар!

Биз Сизларга ушбу мактубни чуқур миннатдорчилик туйғулари билан ёзмоқдамиз. Халқимизнинг асрий орзуси бўлган республика мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу истиқлолга эришишда, халқ хўжалигини бозор иқтисоди муносабатларига ўтишида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиб, унинг турмуш фаровонлигини ва республикамизнинг халқаро обрўсини ҳамда унинг куч-қудратини оширишда муҳтарам Президентимизнинг юксак ақл-идрок, сабр-матонат билан юргизаётган доно ички ва ташқи сиёсатларидан биз наманганлик уруш ва меҳнат фахрийлари беҳад мамнунмиз.

Бизлар кекса авлод вакиллари қирғин уруш йилларини ҳам, оғир меҳнат ва очлик даврларни ҳам ўз бошимиздан ўтказганмиз. Собиқ иттифоқ парчаланиб, илгари бир-бирига қардош бўлиб яшаган, ҳозирда фуқаролар уруши туфайли аянчли, заҳматли ва машаққатли кунларни кечираётган мустақил республикалар, шу жумладан Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Тожикистонда содир бўлаётган даҳшатли воқеалар ҳаммамизни бефарқ қолдирмайди.

Тангри таолога минг бор шукурки, юртимиз йўлбошчисининг донишмандлиги, оқилона ҳаракати, воқеликни олдиндан кўра билиши туфайли мана шундай осойишталикда, келажакка зўр ишонч ва умид билан яшамоқдамиз.

Шу боисдан биз сизларни доимо сергакликка, азиз ва мўътабар Президентимиз атрофига янада жипслашишга, ҳукуматимиз сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ҳаёт тажрибангизни ёш авлодга сабр-матонат билан ўргатишга, уларни ватанпарвар, халқпарвар, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жонфидо мардлар бўлиб етишишида ҳормай-толмай меҳнат қилишга даъват этамиз.

Бу олийжаноб ва хайрли ишларни амалга оширишда Сизларга доимо зафарлар ёр бўлсин!

**ОЧИҚ ХАТ ВИЛОЯТ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАОЛЛАРИНИНГ 1993 ЙИЛ 16 ЯНВАРДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

## • Сайловчига ҳисоб берилди

**ЎТГАН сайловда Навоий вилоятидаги Маликработ қўрғони кенгашига 40 нафар депутат сайланган эди. Бу орада бир депутат судланди, икки депутат қўрғондан кўчиб кетди. Ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида қўрғон кенгаши депутатлари ўз сайловчилари билан учрашдилар.**

### МУАММОЛАР ЕТАРЛИ

— Учрашувлар шу нарсани кўрсатдики, бизнинг депутатларимиз чинакамига ҳаракатда экан, — дейди қўрғон кенгаши ижроқўми раиси Абдумажит Абдурашидов. — Депутатларимизга берилган наказларнинг аксарияти бажарилибди. Масалан, уларга томларнинг шиферларини янгилаш, кўчаларга асфальт тўшаш, ичимлик суви билан таъминлаш, аҳолига маиший, транспорт, савдо хизматини яхшилаш каби наказлар берилган эди. Бундан ташқари, аҳолини турар-жой ва уй билан таъминлаш мақсадида «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудидан 92 кишига 0,12 танобдан уй қуриш учун 11 гектар ер ажратилди. Шунингдек, сайловчилар истаги билан қўрғонда кичик корхоналар қуришга катта эътибор берилди. Айни пайтда «Деҳқон», «Ишчи», «Ирода» номли кичик корхоналар ўз фаолиятини бошлаб юборишган. Бу йўналишдаги ишларни амалга оширишда Навоий паррандачилик фабрикаси, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли давлат хўжалиги маъмуриятлари катта ёрдам беришаяпти. Чунки қўрғон аҳолиси асосан мана шу корхоналарда меҳнат қилишади.

Ижроқўм раисининг айтишича, бу наказларни бажариш учун атиги 2 миллион 200 минг сўм сарфланибди, холос.

Депутатларнинг сайловчилар билан бўлган учрашувида уларга янги наказлар берилди. Хусусан, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва нафақахўрларга хизмат кўрсатадиган дўкон қуриш, ташландиқ ҳолга келиб қолган футбол майдончаларини тартибга солиб, уларда ҳар хил спорт мусобақалари уюштириш, қўрғонда ишсиз қолган кишилар учун кичик корхоналар очиб, бу ишхоналарда гиламдўзлик, зардўзлик, каштачилик сирларини ўргатиш каби юмушлар депутатлар зиммасига юклатилди.

— Ҳамма жойда бўлганидек, бизнинг депутатлар олдида ҳам муаммолар етарли, — дейди ижроқўм раиси. Муҳими, депутатларимиз халқ хизматида.

**М. МАРДИЕВ.**

### РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги ва «Алоқа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қандай бажарилаётгани муҳокама этилди, «Ўзбекистон Республикаси ҳаво транспорти кодекси ҳақида»ги, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги ҳамда «Электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш ҳақида»ги қонунларнинг концепциялари кўриб чиқилди.

Мажлисда Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиялари кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган қонунчилик ҳужжатлари хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Олий Кенгашнинг деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги қўмитасида «Ер солиғи тўғрисида»ги ҳамда «Ветеринария ҳақида»ги қонун лойиҳалари тайёрланди.

Республикада муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу қонун лойиҳалари муҳокама учун матбуотда эълон қилинади.

**(ЎзА).**

• *Инсон ва қонун*

# Лоқайдлик ҳам ярим жиноят

**СУДЛАР кўриб чиқаётган жиноий ишлар, улар юзасидан белгиланган жазо муддатларига кўз югуртириб, ўзингга савол берасан киши: «наҳотки ёшларнинг ҳаммаси жиноятга мойил!» Аслида уларни жиноятга бошловчи вақтида тўғри йўлга сола олмаган биз — катталар, ота-оналар.**

Яқинда Қашқадарё вилоят суди бир гуруҳ уюшган гуруҳ ишини кўриб чиқди. Унда 15 нафар жиноятчи устидан ҳукм ўқилди. 1987—90 йиллар мобайнида аҳоли хонадонларини тунаб келишган. Қирқма милтиқлар, пичоқ ва монтировка билан қуролланган бу гуруҳ дастлаб уч кишидан ташкил топган...

...1987 йилнинг 11 январи. Тунда Нишон туманидаги Ҳамза номли давлат хўжалигида яшовчи Рўзи Қулмуродов хонадонига бостириб кирган қуролланган кишилар уй соҳибини «Пулнинг қаердалигини айтмасанг ўлдирамиз»,— деб қийнай бошлашди... Бу дастлабки босқинчилик эди.

Жиноий гуруҳ янги-янги ишларга қўл уриб, вилоятнинг турли туманларида яшовчи кишиларга моддий ва маънавий зиён етказа бошладилар. Шуниси ажабланарлики, бу гуруҳнинг аксарият «ташрифи» кечаси юз бериб, шундан сўнг ҳар safар уларнинг изи йўқолар, ички ишлар ходимлари эса гувоҳларсиз бир иш қилолмасди.

1988 йил 21 декабрь куни кеч соат 20 ларда гуруҳ аъзолари вагонда тўпланишиб, Косон туманидаги Бешқўтон қишлоғида яшовчи «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги кассири С. Худойбердиевнинг уйида 70 минг сўм борлиги, бугун шу уйни тунаш ҳақида жиноий тил бириктирадилар, бироқ ғаразли мақсад тўла амалга ошмайди.

1990 йил 28 февраль куни жиноятчилардан Қултоев, Йўлдошев, Гулиев ва Раъно Тоҳировалар Бухоро шаҳрига ташриф буюришади. Мақсадлари Бухородан машина миниб кетиш эди. Шаҳардаги бозорга боришиб, шу ерда турган «41-91 БХ» номерли «Жигули» енгил машинасини кўз остига оладилар. Машина эгаси Явдат Диловаров билан савдолашиб, Қарши томонга жўнашади. Муборак газни қайта ишлаш корхонасига етишгач, Қултоев машинани ўнг томонга буришни сўрайди. Қарлиқ қишлоғига етганларида М. Гулиев олдиндан тайёрлаб қўйилган оқ ипни Диловаровнинг бўйнига ташлайди. Қултоев эса унинг бош ва кўкрак қисмига мушт туширади. Ҳайдовчи шу ерда жон беради. Йўлдошев марҳумнинг чўнтакларини ковлаб, 97 сўм топади. Гулиев эса унинг пастки жағидаги 6 дона тилла тишини синдириб олади. (Бу тишлар кейинчалик, тинтув пайтида Р. Тоҳирова хонадонидан топилди ва ашёвий далил сифатида ишга қўшилди. Диловаровнинг жасадини 31-давлат хўжалиги ҳудудидаги зовур ёқасига кўмиб ташлашади. Унинг машинасидан 1990 йилнинг 19 мартига қадар жиноий мақсадларда фойдаланадилар.

Худди шундай қотиллик Қарши шаҳридаги 7-микрорайоннинг 24-уй, 43-хонадонида яшовчи, «Г-25-62 КФ» давлат номерли ВАЗ 2106 машинасининг соҳиби Ҳ. Солиҳовга нисбатан ҳам қўлланилади. Яъни марҳумнинг жасадини Ульянов номидаги зовурга чўктириб, машинани эҳтиёт қисмларга ажратиб, қолган қисмига ўт қўйиб юборишади.

Улар содир этган жиноятлар қайд этилган тергов варақаларига кўз югуртириб кишини ҳам ваҳима, ҳам ғазаб, ҳам ҳайрат қоплайди. Афсус, бундай ўнлаб босқинчилик, талончилик, қотиллик сиз билан бизнинг кўз ўнгимизда содир этиб келинди.

Менимча, жиноий гуруҳнинг кенг фаолият кўрсатишига бош сабаб, биринчидан, ички ишлар бўлимларида тажрибали, уддабурон мутахассисларнинг камлиги қолаверса, одамларимизнинг лоқайдлигидир. Жиноят ишини очиш даврида назорат олиб борарканман, гувоҳлик берган кўпчилик жабрланувчиларнинг «Милицияга айтсанг, ўлдириб кетамиз дейишди» деган сўзларини такрор-такрор эшитдим. Демак, жиноятчиларга кўп ҳолларда жамоатчиликнинг ўзи шароит яратиб бермоқда.

Суд ҳайъати гуруҳ бошлиқлари Ф. Қултоев ва М. Гулиевларни олий жазога, қолган ўн уч жиноятчини узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этиб, мол-мулкини мусодара этишга ҳукм чиқарди. Бу жиноятчиларга нисбатан қўлланилган ўринли ҳукм бўлса-да, сўнгги ҳукм эмас, чунки турли муддатга озодликдан маҳрум этилганларнинг айримлари яна жиноятга қўл урмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Аҳолининг тинчини бузаётганлар, тун ярмида босқинчилик қилиб, жазосиз қолаётганларчи? Шу сатрларни ёзаяпман-у, ҳаёлим узоқ-узоқ қишлоқларда. Сиз билан биз аҳолиси гавжум, телефону миршабхоналари муҳайё шаҳарда яшаяпмиз. У ёқдагиларчи? Туман маркази фалон чақирим, телефон идоралари кун ботмасдан берк. Бундай ҳолатларни изга солишнинг бирдан-бир чораси туманлардаги ички ишлар бўлимлари, ҳудуд миршаблари масъулиятини ошириш, ҳар қандай жиноятчиликка нисбатан муросасиз бўлишни таъминлашдир. Бу соҳада келишувчанлик, ошна-оғайнигарчилик фақат жиноятлар сонининг ортишига сабаб бўлади, холос.

**Уюшган жиноятчиликка, босқинчилик, талон-торож, йўлтўсарликларга қарши курашнинг ота-бобомиз қўллаб келган яна бир йўли жиноятчиларни сазойи қилиш усулидир. Бу сўзлар ҳозир эриш туюлиши мумкин. Лекин сиз билан биз ўйлагандан кўра самаралироқ натижа бериши турган гап...**

**Э. БЕГМАТОВ,**
**республика прокуратураси ходими.**



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Гулистондаги «Нафосат» ўзбек-италия қўшма корхонаси тиббий-гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу корхонанинг ташкил этилишида Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ташаббускор бўлдилар. Корхонада ўзимизнинг ва чет элларнинг 20 та дастгоҳи ўрнатилган. Бу ерда 88 та ишчи меҳнат қилмоқда. Иш икки сменада олиб бориляпти. Ҳар соатда 20 мингдан ортиқ гигиеник салфеткалар ишлаб чиқарилади. Бу муваффақиятларга эришилишда Италиянинг «Дуотекс» фирмаси билан ҳамкорлик қилинаётгани катта самара берди. Айни пайтда вилоят дорихоналар бошқармаси корхонанинг икки миллион сўмликдан ортиқ биринчи маҳсулотини сотиб олди. Яқинда Украина билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартномалар имзоланди. Украина тарафи маҳсулот эвазига дори-дармонлар ва тиббиёт анжомлари етказиб берадиган бўлди. Вильнюсдан ҳам фойдали буюртма тушди. Литваликлар ҳар бир гигиеник пакет учун 50 цент ҳақ тўлашга рози бўлдилар. Бу бизнинг пулга 200 сўмдан ошиқ демакдир. Жумҳуриятимизда эса бу тақчил маҳсулот 65 сўмдан сотилмоқда.**

**СУРАТДА: 1. Италиянинг «Дуотекс» фирмаси курилмасининг оператори Шавкат Олимов. 2. Корхонанинг асосий цехида уч сменалик иш тартибига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.**

Б. ТЎРАЕВ олган сурат.
(ЎзА).



## Эшитмадим деманглар

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

### ЕР ШАРИНИНГ ҚАНЧА УМРИ ҚОЛГАН?

**Ҳайрият, кам деганда миллиард йил ер юзида ҳаёт сўнмас экан.**

АМЕРИКАНИНГ Пенсильвания штати дорилфунуни олимларининг янги йил арафасида эълон қилган бу хабарларини эшитиб, ниҳоят ерликлар енгил нафас олсалар ажаб эмас. Ахир баъзи башоратчилар яқингинада «фалон куни охир замон бўлади» дея одамлар кўнглига ҳазилакам ваҳима солишдими.

Аслида, ҳозирги кунда кенг тарқалган космоголик назарияга қараганда бизнинг планетамиз ҳали-вери завол кўрмас экан. Фақат, тахминан беш миллиард йилдан сўнг Қуёш «баҳайбат олвон»га айланиб, Меркурий планетасини «ютиб» юборгач, Ер куррасидаги бутун тирик жонни ҳам куйдириб, махф этаркан.

Унгача ё Оллоҳ, ё Раззоқ...

### УЙЛАНИШГА ҚУРБИ ЕТМАСА НИМА ҚИЛСИН?

**БИРЛАШГАН Араб Амирлиги фуқаролари катта қалин пули ва ғоятда қимматга тушадиган тўй ҳаражатларига маблағ тополмай, хорижий аёлларга уйланишга мажбур бўлар эканлар.**

АФТИДАН, энди бунга чек қўйиладиган кўринади. Ҳукумат маҳаллий аёлларга уйланадиган эркакларга моддий ёрдам бериш мақсадида махсус фонд ташкил этмоқчи. Рейтер агентлигининг хабар беришича, маҳаллий матбуот мамлакат президенти шайх Ал-Нахайян Заид бин Султоннинг шу хусусдаги фармойишини эълон қилди.

### НОУМИД — ШАЙТОН, ИНСОН ЭСА...

**РУМИНИЯ фуқароси Штефан Букулей кутилмаганда 36 миллион долларлик бойлик эгаси бўлиб қолди.**

БУНДАЙ бўлиши ҳатто тушига ҳам кирмаганди. У 1940 йилда кичик ер эгаси эканлигида Америка фирмаларидан бирига 5 таноблик участкасидаги ёғочбоп дарахтларини сотган эди. Аммо ҳақини олишга улгурмай, фронтга жўнашга тўғри келди, урушдан кейин эса мамлакат социализм йўлига ўтиб, хусусий мулк бекор қилинди. Сўнгра совуқ уруш ва Чаушескунинг ҳукмдорлик йиллари бошланди. Хуллас, Штефан ўз пулидан бутунлай умидини узди.

Бироқ, фирма ўз бурчини ҳололлик билан бажарди. У Букулейга тегишли ҳақини банкага ўтказиб қўйган экан. 50 йил ичида 36 миллион долларга етибди. Энди уни Штефан ҳоҳлаган пайтида олаверади.

### КАМПИРШО ҲАМОН ЛЕНИНГА СОДИҚ

**СОБИҚ СССРда қаҳрамону унвондорлар, қўша-қўша орденлилар озмунчами.**

БУНДАЙЛАР Чернигово вилоятида ҳам тўлиб ётибди. Айрим устаси фаранглар буни билишади шекилли, яқинда ўша томонлардаги қишлоқлардан бирига енгил машинада нотаниш меҳмонлар ташриф буюришибди. Улар уйма-уй изғишиб, Ленин орденига харидор бўлишди. Бир пайтлар далачилик бригадасига бошчилик қилиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган Вера Чичко орден овчиларини қувиб солди. Хуллас, нотаниш меҳмонларнинг бу қишлоқдаги овлари бароридан келмади.

### ҚАЕРДАН ҚИДИРИШНИ БИЛИШ КЕРАК-ДА

**КУРОРТ шаҳар Сочида миш-миш тарқалди: бу ердаги пляжлардан бирида, яхлит қуйма олтин топишибди.**

КУРОРТДАГИ пляжда ҳеч қачон бундай тўс-тўполон кўтарилмаганди. Ҳаммаёқни белкурак, чўкич кўтарганлар босиб кетди. Кимлар тўнғиздек ер титади, кимлар тинмай қум элайди.

Лекин ҳанузгача бирор кишининг олтин топганлиги ҳақида хабар тарқалмади. Афтидан, текин бойлик ишқибозлари олтинни бошқа жойдан қидиришаётганга ўхшайди.

### ТЕШИК МУНЧОҚ ЕРДА... ЁТАРКАН

**МАҲАЛЛИЙ овчи Л. Иванов Марицк хутори яқинидаги дарахтзорда бир машина чиқадиган тақчил импорт молларни топиб олди.**

БУ НОЁБ БУЮМЛАРНИ умрида кўрмаган овчи довдираб қолди. Ахир тешик мунчоқ ерда ётмайди деганларидек, шунча қиммат баҳо молларнинг бу ерда эгасиз ётиши бежиз эмасда.

Милиция ходимлари ҳам туфли, жинси мато, костюмшим, этик ва бошқа импорт молларни кўриб ҳангуманг бўлиб қолишди.

Бу кимларнинг иши бўлди экан? Сунъий тақчиллик яратишга ўч махфияларнинг ҳунарими ё? Ҳозир шу саволларга жавоб изланаяпти. Калаванинг учини топишармикан ёки одатдагидек...

### КИМГА БАЙРАМ, КИМГА..

**БОҚИЙ дунёда шоҳу гадо — тенг, фоний дунёдачи!**

РИА ахборот агентлигининг кафолат беришича, янги йил арафасида Россия парламенти депутатларига атаб байрам дастурхони учун ноёб озиқ-овқат турларидан ажратилди. Қиймати 1900 сўмлик бу тансиқ ноз-неъматлар ичида бир шишадан шампан виноси ва арақ, консерваланган гўшт, ярим килограмм сариёг, бир бўлак пишлоқ, икки юз грамм шоколадли конфет ва яна анча-мунча нарса бор.

Аммо бу тансиқ таомлар ҳамма депутатларга ҳам насиб қилавермади. Чунки, кўпгина халқ ноибларининг исм-шарифлари рўйхатдан тушиб қолган экан. Рўйхат тузишда депутатларнинг қайси хислатлари ҳисобга олинганини ҳеч ким билмайди.

### ОЁҚ ОСТИДА... 500 МИЛЛИОН РУБЛ

**МОСКВА Кремли хоналарига ҳамда бир қатор элчихона бинолари полига тўшаш учун Люберецкий ёғочга ишлов бериш комбинатига 4500 куб метр нафис паркетга буюртма тушди.**

КОМБИНАТ учун бу буюртма янгилик эмас, илгарилари ҳам собиқ КПСС МҚ Пленум заллари учун ялтироқ паркетларни шу корхона тайёрлаб берарди. Кремлдаги Съездлар саройининг полига ҳам нафис паркетни Люберецкий комбинати тўшаган.

Қизиқ, Россияда йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайтда Кремлга нафис паркет нима учун керак бўлиб қолди экан? Комбинат бош мухандиси Игор Чиндяскининг айтишича, ҳозир нафис паркетга ярайдиган ёғоч тахтанинг бир куб метри 120 минг рублга чиқибди. Ёки Кремл поллари нафис ялтираб турмаса, оддий меҳнаткашнинг қора қозони қайнамай қолармикин?

### ДОЛЛАРЛАР ҚАЕҚҚА КЕТДИ ЭКАН?

**ЛИТВАЛИК мухожирлар сайлов компаниясини ўтказиш учун «Саюдис»га берилган катта маблағ нималарга сарфланганини билишмоқчи.**

ФАҚАТ АҚШнинг ўзида 65 минг доллар тўпланиб, Витаутас Ландсдбергисга топширилган эди, у эса бу пулларни «Саюдис»га етказиши керак эди. Мухожирлар ҳеч бўлмаса шу долларнинг тақдирини билишни истамоқдалар.

## Аҳвол қалай, қишлоқдош?

**Мажид Абдурайимовни биласиз — ҳикоялари чиққан, қиссаси чоп этилган. У Бойсунда яшайди. Ўзи камтаргина, нихчамгина одам бўлгани билан, бошига кўп кўргуликлар тушган: талабалик йиллари қамалиб кетган, қамоқдан чиққандан сўнг ҳам ҳеч жойга... жой бўлмаган — тилга тушган иқтидорли ёзувчи бўлганлиги учун уни аввалига туман газетасига ишга олишган.**

Бойсун кичкинагина жой эмасми, Мажид ака бир неча ой ичида ҳаммани фельетон қилиб бўлган. Ҳатто муҳаррир ёзма деса ҳам ёзаверган. Бир иложи қилиб Мажид аканинг ўзи ишдан кетган ёки жуда устакорлик билан ковушини тўғрилашган. Ана шундан кейин Ўзбекистонни оғзига қаратиб ўтирган бир ёзувчидан тавсиянома олиб вилоят газетига ишга борган. Аммо у ердаги ҳушёр ўртоқлар вақтида ҳушёрлик кўрсатиб, Мажид акани эсон-омон Бойсунга қайтариб юборишган. Чунки улар Абдурайимовнинг яхши ёзувчи бўлишидан ташқари «ёмон одам»—ўзбилармон эканлигини ишончли жойлардан эшитишган.

Мажид ака ўшанда бу воқеалардан қаттиқ ранжиган-у, аммо ҳеч кимдан ҳафа бўлмаган. Ё шундан олдин, ё шундан кейин мактабда дарс ҳам берган. Аммо қисқа вақт ичида «гумдон» қилинган. Чунки Мажид аканинг сабоқ бериш тажрибаси Шўро педагогикасига унчалик ўхшамас, у жаҳон адабиёти, маданияти, санъати ва демакки жаҳон педагогикасини жуда чуқур биладиган бир одам бўлганлиги учун ҳамкасблари, биринчи навбатда мактаб раҳбарлари уни саводсиз ва маърифатсиз ўқитувчига чиқаришди. Аммо бу баҳона билан уни ишдан ҳайдаб бўлмас — истаган жойда ўзининг кўп одамлардан пешлигини намойиш қилиши мумкин эди. Шунинг учун яна синалган усуллардан фойдаланишди— тўртинчи синф ўқувчиларига дарс чоғида «Қўзичоғим!», «Жоним!» деб мурожаат қилганлиги учун ўқитувчиликдан четлаштирилди. Шу муносабат билан чоп этилган буйруқда Мажид аканинг ўқувчи қизларга тегажоғлик қилганлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар бор. Башарти, Мажид ака тарафидан ана шундай ҳаракат содир этилганда, ғанимлар у кишини аллақачон қаматиб юборишар эди. Демак, бу даъволарнинг ҳаммаси ёғ иртарликдан бўлак ҳеч нарса эмас. Менинг бундай мулоҳазаларим мазкур буйруққа имзо чеккан Фатхулла Номозовни ғазаблантирар, агар бу ишнинг чала жойи қолган бўлса Мажид ака ҳозир ҳам «суришиш»га тайёр! Аммо гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Шундан кейин Мажид ака кимларнидир ишга солиб алоқа тармоғига жойлашади. Қишлоқда, айниқса, Бойсунда фақат бадиий ижод билан шуғулланиш мумкин эмас — оила тебратиб бўлмайди.

Ишлаб юраверди. Лекин... аъло таомлар-у ноёб кийимлар, антиқа пойафзаллар ҳақида-ку, орзу қилмаса ҳам бўлади. Саккиз йил қамоқда ётган одам ўғриликни жойига қўяди! Аммо ҳар қандай ўғри барибир бир кун бўлмаса бир кун қўлга тушади. Мажид аканинг эса қайтадан қамалишга кўнгли йўқ эди: фарзандлар бўй чўзмоқда — уларни тарбиялаб, устини бут қилиб элга қўшиш керак. Неча ҳикоя, неча қиссаларнинг режаси ҳаёлда пишиб етилган — навбатини кутиб ётипти, уларни ёзиш керак. Ўқилиши лозим бўлган, қайта ўқилиши зарур бўлган китоблар ҳам кўз очирмайди. Ана шундай ва бошқа жуда кўпдан кўп сабабларга кўра Мажид ака ўғрилик қилиб кун кечиришни лозим топмади: Робензон Крузога ўхшаб эчки сақлади. Уни кўпайтириш пайига тушди. Эчки яхши экан—бир-икки йилда бир сурув бўлди.

Бойсуннинг бир чеккаси Дидоркамдан эҳтиёжмандлар учун ҳовли-жой берила бошлаганда Мажид ака эртани ўйлайдиган одам сифатида ана шундан ҳам қуруқ қолмади: бир тумшуқнинг тугаган жойидан етти сотих ер олди. Бўлмаса, яшаб туриш учун уй — ота ҳовлиси бор эди. Мажид ака айтди: «Мен ҳам одам бўлиб бир уй қурайин — болаларим отам қуриб берган уй деб юради!» Аслида Мажид акага теккан тумшуққа уй тугул капа ҳам тикиб бўлмас эди. Аммо бойсунликларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ — Мажид ака у қилди, бу қилди — уй ҳонали уйнинг жойини пайдо қилди. Унинг орқасидан — қирдан эчкилари учун қўра қилди. Америкалик миллионерларга ўхшаб, уйининг атрофини йўл қилди. Чунки уйнинг атрофи йўлдан бўлак ҳеч нарсага ярамасди.

# ХАЁЛПАРАСТЛАР

### ЁКИ БОЙСУНЛИК ЁЗУВЧИ МАЖИД АБДУРАЙИМОВНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СУВ ИЧМОҚЧИ БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА... ҚИССА

Бойсунда Мажид Абдурайимга ўхшаган ҳовли-жойга эҳтиёжмандлар кўп экан — бир икки йилнинг ичида Дидоркам уйга тўлиб кетди. Аммо сув йўқ эди, шунинг учун эшикнинг олдида бир нарса ўстиришнинг иложи бўлмади...

Бойсунда ёз чоғлари шикоятбозлик қилинмайди — бунинг учун ҳеч кимнинг вақти йўқ. Бойсундаги энг катта тадбир — қиш учун молга емиш ғамлаш! У сентябрнинг охирларига бориб буткул ниҳоясига етади. Ана шундан сўнг бойсунликлар уст-бошнинг чангини қоқади, у ёқ бу ёққа қарайди, қўшнилар билан гурунглашади, маҳаллада нима гап, Бойсунлар тинчликми, дейди...

**Куз, қиш бойсунликларнинг фуқаро сифатидаги фаоллашган даври ҳисобланади.** Бу даврда улар асосан сиёсат, ижтимоий ҳаёт билан шуғулланишмас.

Хуллас, яқинда дидоркамликлар қараса ичадиган сув йўқ. У ёқда эса қишлоқларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни саноқли, кунларда ниҳоясига етказамиз деб ётишипти.

Бойсунликлар ҳеч қачон бир шикоят хатини бир жойга юбормайдилар — бирваракайига беш олти жойга жўнатилади. Кўп йиллик тажриба ана шу тартибнинг афзаллигини исботлаган.

Дидоркамликлар шикоятбозлик масаласида маълум кўникмага эга бўлганлиги учун дастлабки шикоятдаёқ хато қилдилар — мақсад Дидоркамга ичимлик суви келтириш эди, аммо улар негадир Бойсун районининг ҳокими Тўрақул Ҳамроевнинг порахўрлигидан гап бошладилар. Албатта, Тўрақул Ҳамроевнинг пора олганини дидоркамликларнинг бирови ҳам исботлаб беролмайди, чунки уларнинг ҳеч бири бундай ишларнинг устида турмаган.

Дидоркамликлар ҳоким порахўр бўлганлиги учун бизга ғамхўрлик қилмаяпти демоқчи эдилар. Мантиқсизликни қаранг: ахир қаерда ёзилган порахўр одам халққа яхшилик қилмайди деб?! Нима бўлганда ҳам ана шундай тайинсиз шикоят хати ёзилиб турли идораларга, шу жумладан Тўрақул Ҳамроевнинг ўзига ҳам жўнатилди. Катта тажрибага эга бўлган туман ҳокими учун бу ариза — нон билан гўштдай гап эди: зудлик билан шикоятчиларни ҳузурига чорлаб: «Қани, менинг порахўрлигимни исботлаб беринглар!» деб қолди. Турган гапки шикоятчиларнинг бирови ҳам буни исботлаб беролмади, чунки уларнинг бирови ҳам ҳокимга пора бермаган эди. Хуллас, ҳоким шикоятчиларнинг тамоман мазасини қочирди: ҳокимга туҳмат қилганликда оломон бўлиб туман ҳокимиятига борди. Ҳоким «Бирданига кўп кишини қабул қилишга ўрганмаганман, уч тўрт кишидан иборат вакиллар ҳузуримга кирсин!» депти.

Тўрақул Ҳамроевнинг дидоркамликлардан, чунончи ,буларга бош бўлиб юрган Мажид Абдураимовдан ўпкагинаси катта эди: ҳозир одамлар газета-китоб ўқимаса ҳам телевизорга тонг отгунча термулиб ўтиради. Ўзини билган бор, билмаган бор, бу киши телевизорга чиқиб Ҳамроев бундай деб тургандан сўнг икковнинг бирови ишонади. Ҳамроев шундай одам экан деб ўйлайди-да! Шунинг учун Тўрақул ака гапни бойсунликларга хос бўлган забардаст оҳанглар билан бошлади: «Мен ҳам радиога чиқиб чулдиришни биламан. Мен ҳам икки соат ўтирсам китоб ёзишим мумкин!»

Бу учрашув вазиятни кескинлаштирди: Тўрақул Ҳамроев дидоркамликлардан ҳайиқмаслигини, дидоркамликлар қаерга бош уриб бормасин барибир бир натижага эришолмаслигини баён этди.

**Биз Тўрақул ака билан эски қадрдонмиз, дидоркамликларнинг аризасини кўтариб қирганимдан ранжимади. Ҳокимнинг айтишича, Дидоркамни ичимлик сув билан таъминлашнинг иложи йўқ экан.** Чунки Бойсунда харажат даромаддан уч тўрт марта кўп.

Кейин биз Тўрақул ака билан Мажид Абдурайим ҳақида гаплашдик. У киши темир сандиғини очиб, қарамасдан бир қоғозни оладилар-да, менга узатдилар. Ўқиб кўрсам, Фатҳулла Номозовнинг Мажид Абдурайимовни ўқитувчиликдан ҳайдаш тўғрисида машҳур буйруғи экан. Тўрақул ака уни менга эсдалик учун берди.

Суҳбат чоғи шу нарса маълум бўлдики, дидоркамликларнинг телевизорга чиқиши Тўрақул акани жуда ғазаблантириб юборипти.

Қаттиқ муҳокамадан сўнг Дидоркамга сув чиқмаслиги менга ҳам тушунарли бўлди.

Шикоятдаги Тўрақул Ҳамроевга дахлдор бўлган «фактлар»ни текширишга... қўлим бормади. Чунки аввалгидек бу ҳоким порахўрликда айбланмаган, балки энг яхши жойларни қариндошларига берганлиги, райкомнинг чорбоғини қандай қилиб «эгаллаб» олганлиги, қудаси Баҳриддин Қаҳҳоровнинг ўғли-куёвига олмазор боғдан томорқа олиб берганлиги, яқин қариндоши Ҳурсан Имомов янгигина тракторни қандай қилиб 4800 сўмга сотиб олганлиги тўғрисида ёзилган эди. Бу тафсилотларни аниқлаш Тўрақул Ҳамроев ҳақида алоҳида мақола ёзишни тақозо этади. Тўрақул ака бу даъволарни ўқиб олдинги сафаргидек «Исботлаб бersин!» демади. Тўғри шаҳар ҳокими «Куёвнинг томорқа олишига ҳоқимнинг алоқаси йўқ» деган мазмунда шарҳ ёзиб берди.

Хуллас, дидоркамликлар бир неча йил ҳовузнинг сувини ичиб туришига тўғри келади. А, сассиқ дейсизми? Ёқмаса Бойсундан ташиб ичинг-узоқ эмас-ку! Эшак йўқми! Ҳозир ўн минг сўмга сув ташишга ярайдиган эшакни бемалол олса бўлади. Пул йўқми? Ишланг. Иш йўқми? Айтмоқчи сувни қадимги замонлардагидек елкангизга кўтариб ташинг-ана шу сизга иш бўлади. Барибир келуси йилгача бекор ётасиз-ку! Ҳаёлпарастликни эса... йиғиштиринг.

**Тожиддин РАЗЗОҚ.**

• *Мусоҳаба*

# ЯШИЛЛИКДА ҲАЁТ РАНГИ БОР

**ИНАВВАЛ СУҲБАТДОШИМИЗ ХУСУСИНДА:**

**Аҳмадхўжа Азимхўжа ўғли минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилда Қўқоннинг Ўртақишлоғида таваллуд топган. Тўртинчига довур эски мактабда, кейин Шўро таҳсилгоҳида илм ўрганган. 1959 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тамомлаган. Элга транспорт хизмати кўрсатиш тажрибаси бир навқирон йигитнинг ёшига тенг. Айни чоғда Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси (Ўзавтотранс)да йўловчиларга хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи.**

**Тасаввурим мени алдади.**

**Неча бир замонлар ҳукумат маҳкамаларида меҳнат қилган, мансаб пиллапояларида суяги қотган, тўрачилик тутумлари ҳужжаларигача сингиб кетган, айниқса, «рус тили — иккинчи она тилимиз» ҳисобланган даврларда шу забонда иш юритган, маърузалар қилган ва ҳоказо... инсон тўғрисида ёмонлик ўйламасанг-да, хаёлингда қандайдир нонекбин ўйлар кечиши табиий.**

**Тасаввурим мени алдаган экан.**

**Аҳмадхўжа ака билан суҳбатлашган сайин олдинги тасаввурим — тунд, бадқовоқ, ўрис тилида сўзлашавериб қалондимоғлик ва оқсуяклик нуқси урган бир инсон деб ўйлаганларимдан ўзим хижолат торта бошладим. У ўта қувноқ ва ишчан, мулоҳазали ва юзидан нур ёғилиб турадиган одам экан. Мен унинг талаффузида ўзбек тилининг ранг-баранглигини, сержилолигини ҳис этдим. Фикрларида ўтмиш ва бугуннинг оҳанглари қоришиқ:**

**— Отам Азимхўжа катта табиб эдилар. Дардмандларни, жиннилларни даволарди. У Ҳамзанинг тенгдоши, унинг труппасида Фарҳоднинг отаси ролини ижро этган. Хўб саводли одам бўлган. Болалигимда, отамнинг таъсири бўлса керак, намоз ўқирдим, Қуръонни мутолаа қилардим. Кейин Шўролар мактабида ўқиб, техникага меҳр қўйдим. Шаҳардаги иккинчи таксопаркда бош муҳандис бўлиб ишлаганман. Қатор автосаройлар бунёд этдик. Кўп муассасаларда меҳнат қилдим, транспортчилар отахони Малик Ғофуровдан иш ўргандим...**

**Аҳмадхўжа ака ўтмиши ҳақида жуда ҳавас ила, ҳаяжон билан гапирарди. Айниқса, техника ҳақида гапирганда уни тўхтатиб олиш қийин. Чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида бажарган ишлари, қўллаган янгиликлари ҳақидаги тафсилотни тугатиб бўлмайди. Шу туфайли мен Аҳмадхўжа аканинг олдига шарт қўйдим: «Келинг, техника ва транспортдан бошқа ҳамма нарса ҳақида суҳбатлашамиз». У рози бўлди. Бироқ суҳбатларимизнинг, аниқроғи, жавобларнинг интиҳоси барибир бенхтиёр ўз мутахассислиги — техникага борib тақалаверди.**

**— Аҳмадхўжа ака, китоб ҳам мутолаа қилиб турасизми?**

— Мутолаасиз умрни умр демайман. Инсон ҳар дақиқада ўрганиши, изланиши керак. Бўлмаса, у қотиб қолади, ўсмайди. Инсоният тарихи дурдоналари йиғилган битикларни ўқишнинг ўзи бир роҳат. Иложи бўлса биз бошқа барча аъмолларимиз каби ушбу хислатларимизни ҳам мерос қолдирмоғимиз лозим. Негаки, кўраяпман, ҳозирги авлоднинг китобга унчалик рағбати йўқ. Бариси кинога, телевизорга югуришади. Китоб — сўз санъати ҳам. Унингсиз ўз она тилингнинг ширалилиги ва салмоғини, сержилолиги ва сарватлилигини англаётгайсан.

**— Севимли мақолингиз?**

— Изланган имконият, изланмаган баҳона қидиради. Бу мақол менга ҳаётнинг бошидек туюлади. Унда ибтидоийлик мавжуд, инсониятнинг шаклланиши ва тадрижий такомили поғоналари бор. Йўқса, биз бунчалик тараққиётга эришмаган бўлардик. Келинг, ҳавойи гаплардан қочайлик-да, турмушимизга бир бақиб кўрайлик. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, жойларда анча жонланиш сезилди. Бизнинг соҳада ҳам бу жараён турлича кечмоқда. Ҳозир деярли барча ҳужжатлар, патта ва читалар ўзбекча тайёрланяпти. Мен атамашунослик қўмитаси аъзосиман. Шу туфайли техник терминларни топиш ва қўллаш яхши кечяпти. Шу вақтгача диспетчер деб атардик. Яқиндан бошлаб унга тенг атамани қўллаяпмиз. Эски даврда ҳужжатлар билан ишлайдиган кишини нозим дер экан. Ўша-ўша гап: изланганга имконият кенг...

**— Сиз ўз қўлингиз билан бирор буюм ясашни ёқтирасизми?**

— Сўраманг. Хизмат юзасидан қайси шаҳарга борсам, албатта, «хозмаг»га кираман, хўжаликка дахлдор нимадир харид қилишим керак. Чунки уйда электр ва сантехника ишларини ўзим бажараман. Ёшлигимда мени уйдагилар «Темир-терсакчи», деб аташарди. Қаерда темир кўрсам, уйга таширдим. Илгари аммаларим бўз тўқишарди, уларга калава чўплар ҳам ясаб берардим. Умуман, уйда радио ёки телевизор бузиладими, машинамиз ишдан чиқадими, албатта, «биринчи ёрдам»ни мендан олади.

**— Одатда транспортчилар пиёда юришни хуш кўришмайди...**

— Ундай эмас. Яёв юришга нима етсин. Таассуфки, биз идорада кўп ўтирамиз. Асосан ҳужжатлар билан ишлаймиз. Айниқса, вазирликка дахлдор 80 фоиз шикоят билан биз шуғулланамиз. Арз билан ишлашни сиз яхши билсангиз керак. Ахир ҳар бир хатнинг ортида инсон тақдири, қоларверса, ўз ишимизнинг самараси ва сифати мужассам. Салгина бепарволик кўп нохуш воқеаларга сабаб бўлиши мумкин.

**— Қайси рангни ёқтирасиз?**

— Яшилни! Унда ҳаёт ранги бор. Унда мен баҳорни кўраман, улуғ Наврўзни кўраман, НЕКЛИК ва БУЮКЛИКни кўраман.

Ва яна... Ўзбекистонимизнинг ўн икки юлдузли туғини кўраман.

**— Бошингизга қашшоқлик тушганми?**

— Қашшоқликда катта бўлганман, ука. Биз тенгиларнинг ҳаёт тарзи эди йўқчилик дегани. Уйда тўрт дона ўрик бўларди. Бир кунда шуни танаввул қилардик. Гарчанд кўзимиз оч бўлмасак-да, кўнглимиз бўш ўсдик. Шунинг учун ишда ҳам бировни хафа қилолмайман. Иш юзасидан тортишувлар бўлиши мумкин, аммо дарров яращиб оламиз. Қаерда ишламайин, ходимларимнинг бошини силаб келдим. Республикада транспорт ходимлари орасидан биринчи Меҳнат Қаҳрамони ҳам менинг жамоамдан чиқди...

**— Ўз ишингиздан кўнглингиз тўлмаган, ҳатто ҳафсалангиз пир бўлган дамлар ҳам бўлганми?**

— Бўлган. Баъзан айрим ишни бажаришга қодирсан, аммо унинг ижроси сенгагина боғлиқ бўлмайди. Ҳоҳо емаган сомсага пул тўлашга тўғри келган... Бундай ҳоллар ҳаётда учраб туради. Аммо ишимдан норози эмасман, мабодо қайта дунёга келсам, тағин техник билим олган бўлардим...

**— Мақтовга қалайсиз?**

— Хушомадга демоқчимисиз?

**— Билмадим. Мақтов деганн хушомад эмасдир-ов.**

— Бизнинг даврда аксарият ҳолларда у хушомад ниқобида юради. Шундан эҳтиёт бўлиш керак. Мен лавозим жиҳатидан мақтовга арзимайман. Мутахассис сифатида эса... билмадим. Ҳарқалай, ўтган йўлларимда ношукурчилик йўқ.

**— «Мусофир бўлмай, мусулмон бўлмассан», деган мақолга муносабатингиз?**

— Эскилар билмасдан гапирмаганлар. Бу мақол биз гапирадиган гаплар ва қилажак амалларимизнинг мухтасар баёни. Кўча кўрмай, уйнинг иссиқлигини билмайсан дегани бу. Инсоннинг, оиланинг, қариндош-уруғнинг, дўст-ёрнинг қадрини мусофирчиликда биласан. Москвада кўп бўлганман, яшаганман. Яқинда яна йўлим тушди. Москов транспортлари издан чиққан, хўжайини йўқ. Таксичидари бир чақирим жойга отасининг баҳосини сўрашади. Одамгарчиликни унутишган, инсоф қолмаган. Шундай пайтда она юртинг эсга тушади.

**— Шогирдларингизга, умуман, ёшларга қандай панду-насиҳатларингиз бор?**

— Биз кўп ва хўб яратдик. Кўп ва хўб тажрибага эга бўлдик. Кўп ва хўб хатоларга йўл қўйдик. Чунки ишлаган одамгина хато қилади. Ҳозирги ёшларимизнинг, назаримда, меҳнатга тоблари йўқ. Бозор иқтисодиёти деб улар олди-сотдига берилиб кетишди. Отаонанинг пулига келган машинаю буюмлар уларни талтайтириб юборяпти.

Уларнинг турмуш ташвишларидан холи ўқишини, тинмай изланишларини хоҳлардим. Ёшларнинг техникага муносабатини яхшилашимиз, яхлит миллий ишчилар синфини яратишимиз керак.

**— Бирор нарсадан қийналган, афсус чеккан онларингиз бўлганми?**

— Мен 1987 — 88 йилларда трестда партком секретари бўлиб ишлаганман. Бу йилларда ҳар хил бўҳтонлар, ишдан бўшатишу қамақамалар авж олган даврлар эди. Сатин деган бетавфиқнинг олдида айрим ходимларимизнинг тарафини ололмаганман, уларга партиявий жазо берилган. Ростини айтиб, бузғунчига чиқсанг, сени тушунмасалар, виждонинг қийналмайдими, ахир. У кунлар қайтиб келмасин, ишқилиб.

**Алалхусус, тасаввури ибтидойим мени алдаган экан. Илоҳим, шундай бўлсин.**

**ЖУШҚИН суҳбатлашди.**

• *Қатағон қурбонлари*

**Халқимизда «Ҳар бир киши камида етти пуштини билиши шарт» деган ҳикмат бор.**

**Чустлик Шомухтор ака ҳам ўз авлодларини билишни жуда-жуда истарди. Бироқ отаси Эргаш Шомансуровнинг падари бузрукворидан бир ёшида етим қолганини эсларди, холос. У лаоқал ўз пушти паноҳи — отасининг ким эканлигини аниқ билмасди ҳам. Чунки у эндигина 13 ёшга тўлганида НКВД ходимлари олиб кетишган отасини қайта кўриш ҳеч кимга насиб қилмаганди. Шомухтор, укаси Шоазиз, синглиси Анисахонларни эса «халқ душманининг фарзандлари» деб камситишар, хўрлашарди...**

# ИСТИҚЛОЛ ТУЙҒУСИ

## ЖОН ҚАЙҒУСИДАН УСТУН ЭДИ

Ёш Шомухтор «халқ душмани»нинг ўғли бўлганлиги учун севган касби — ўқитувчиликдан маҳрум бўлди. 1947 йилда К. Маркс номли мактабда директор бўлиб турган чоғида қилинган тинтув пайти юқори синф ўқувчисининг партасидан А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» китоби чиққанини баҳона қилиб, лавозимидан олишди. 1950 йилда эса унга тарих фанидан дарс бериш бутунлай таъқиқлаб қўйилди. Бироқ бу адолатсизликлар қатъиятли, жасур Шомухторнинг иродасини бука олмади. У отасининг ҳақлигига ишонарди. Шунинг учун ҳам келажакка умидли боқар, гўё бугунми-эртами отаси ёруғ юз билан кириб келишини кутарди. Турли идоралару маҳкамаларга хат ёзиб, отасининг тақдири ҳақида суриштирарди. Аммо мактублари дарёга тушган тошдек дом-дараксиз кетаверарди.

50-йилларнинг охирларида биринчи Ўзбекистон халқ шоири Сўфизода шахс сифатида оқланганлиги Шомухторни ҳаммадан кўра кўпроқ қувонтирди. Чунки унинг отаси ҳам худди шу улуғ инсон билан маслакдош сифатида ҳибсга олинган эди-да!

Ниҳоят, Шомухторнинг навбатдаги сўров мактубига Ўзбекистон ССР ДХКдан қуйидаги жавоб хати келди:

«Сўфизода (Худойбердиев Муҳаммад Шарифбой) 1867 йилда туғилган. Чуст шаҳрида яшаган. 1919 йилгача муҳожирликда бўлган. 1919 — 1922 йилларда ВКП (б) аъзоси бўлиб, кейин ундан ихтиёрий чиққан. 1921 йилдан аксилинқилобий «миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, 1933 йилдан нафақада.

1937 йилнинг 8 май куни қамоққа олинган Сўфизода чет элдан юборилган бир айғоқчи билан биргаликда СССР территориясида аксилинқилобий топшириқларни бажариб турган. У «миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлиб кириб, унда фаол раҳбарлик вазифасини бажарган.

Шомансуров Мулла Эргаш 1900 йилда Чустда туғилган. Қулоқнинг фарзанди. ВКП (б)нинг собиқ аъзоси. 1928 йилда қулоқлар билан алоқа қилганлиги учун фирқадан чиқарилган. 1929 йил советларга қарши фаолияти учун уч йилга қамалган. Сўнгги иш жойи — Учқўрғон район ички савдосининг вакили. 1937 йилнинг 9 май куни қамоққа олинган. «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси сифатида аксилинқилобий фаолият кўрсатган. Босмачилик ҳаракатини фаол қўллаб-қувватлаган.

ЎзССР НКВД учлигининг 1937 йил 17 август кунги қарорига мувофиқ Сўфизода ва Шомансуров Мулла Эргаш отувга ҳукм этилган. Ҳукм Тошкент шаҳрида ижро қилинган. Сўфизода 1937 йил 15 сентябрь куни, Шомансуров 26 август куни отиб ўлдирилган...

Бироқ Наманган вилоят судининг 1958 йил 26 декабрь кунги № 20/У қарори билан ЎзССР НКВДси учлигининг 1937 йил 17 август кунги Сўфизода ва Шомансуров Мулла Эргашга нисбатан чиқарган қарори бекор қилинган. Сўфизода ҳам, Мулла Эргаш Шомансуров ҳам ўлимидан кейин оқланган».

Шомухтор хатни ўқиркан кўзлари жиққа ёшга, қалби ғаму андуҳга тўлди. Ахир, бегуноҳгина эмас, халқи, унинг истиқлоли учун курашган падарини шу куйларга солишгани, уни ваҳшийларча отиб, кафансиз кўмиб ташлаганларига тоқат қилиб бўладими? Бу қандай разолат, бедодлик!

Эргаш Шомансуров оқланганидан кейин ҳам йиллар ўтди. Лекин унинг муборак номини ҳамон юртдошлари ҳадиксираб тилга олишарди. Гўё яна ўша мудҳиш қатағон йиллари қайтиб такрорланадиган-у, «халқ душмани»нинг номини тилга олгани учун уларнинг ҳам оёқларига кишан солиб олиб кетадигандек. Аммо ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганларидек, 1990 йилларга келиб аста-секин истиқлол тонгги отмоқда эди. Халқимиз елкасига офтоб тега бошлаган, одамлар ўтмишимиз ҳақида, истиқлол учун жон фидо этганлар тўғрисида фахр билан сўзлай бошлаган эдилар. Бу, айниқса, Шомухтор ака кўнглини тоғдай кўтарарди.

У отаси билан амакисининг муборак қадамжоларида бўлди, изларини кўзларига суртди, отасидан қолган, мусодара этилган— уйларини бориб кўрди. Уйнинг ҳовлисидан тортиб деворларигача шуқадар мўътабару азиз туюлдики, буни сўз билан ифодалаш қийин. Шунда Шомухторнинг хаёлига: «Қани энди шу отамерос уйни қайтариб олсаму, отамнинг чироғини ёқиб, дуойи фотиҳасини қилиб ўтирсам» деган фикр келди. Мақсадини суд орқали ҳал қилди.

Шомухтор ака уйга кўчиб кирмасдан бурун элга дастурхон ёзиб, ош берди. Отаси ва амакисининг руҳларига Қуръон тиловат бўлди. Бу маросим бутун чустликлар учун катта тантанага айланиб кетди. Туман ҳокимидан тортиб, фахрийлар уюшмаси раисигача келди. Эргаш акаю Шомансур амакиларни кўрган, улар билан ҳамнафас бўлган нуронийлар хотираларини сўзлашди. Орадан кўп ўтмай Карл Маркс (ҳозирда Шомансуровлар номли) кўчасидаги 56-уй дарвозаси ёнига «Бу ҳовлида жумҳуриятимиз миллий мустақиллиги учун фаол қатнашган Мулла Эргаш Шомансур ўғли истиқомат қилган. 1900—1937, 25 август», «1937 йил қатағони қурбонлари — ака-ука Шомансуровлар уй-музейи» деган лавҳалар ўрнатилди.

Хўш, Қизил империя учлигининг ғазабига дучор бўлган, бугунги кунга келиб, номини элулус иззат-икром билан эслаётган бу ака-ука марҳумларнинг ўзлари кимлар эдилар? Бугунги кунда мазкур уй-музейга ташриф буюрган ҳар бир киши бундай саволларга жавоб топиши, шонли истиқлол осонлик билан қўлга киритилмаганлигига ва бу йўлда халқимизнинг не-не алп ўғлонлари, барчин қизлари жон фидо этганликларига шоҳид бўладилар. 1916 йили мардикорликдан қайтган Шоғофур укаси Эргаш билан Наманган шаҳрида яшай бошлайди. Ёт ўлкаларда рус инқиболчиларининг миллий тенглик, байналмаллик ғояларига ишонган собиқ мардикор укасига ҳам ўз дунёқарашини сингдиради. Октябрь давлат тўнтаришидан кейин ака-ука турли лавозимларда, турли жойларда ишлашади. Эргашбой Наманган вилоят ижроия қўмитаси қошидаги Сафарбарлик бўлимига етакчилик вазифасида ишлаб турганда ҳибсга олинади...

Шоғофур Шомансуров ҳам 1919 йилда Чуст тумани инқилобий қўмитаси раиси бўлади. 1921 йилда Туркистон шўролар республикалари X съезди делегатлигига сайланади ва шу йилдан бошлаб Наманган Уезди-шаҳар инқилобий қўмитасини бошқаради, Ўзбекистон ССР ер тақсимлаш халқ комиссарлиги (Наркомзем) раисининг ўринбосари вазифасида ишлайди. 1937 йилнинг 20 ноябрида ўша машъум учлик томонидан аксилинқилобчи сифатида қамоққа олинади.

Тақдир тақазосини қарангки, ҳаёт йўллари бир-бирига ўхшаш бу ака-укаларнинг фаожиали тақдирлари ҳам деярли бир хил тугайди. Уларнинг уй-музейларидаги ҳужжатлар, сарғайиб кетган суратларнинг гувоҳлик бериши ва чустлик кексаларнинг таъкидлашича, бу ака-укалар дастлаб большевойларнинг сиёсатига ишониб, уларнинг инқилобий ҳаракатларига кўмаклашганлар. Ҳатто «Ўрта Осиёга озодлик олиб келган» М. Фрунзе билан бирга суратга тушиш «шарафи»га муяссар бўлганлар. Лекин қизил инқилобчиларининг амалий сиёсатлари — буюк рус миллатчилиги ва ҳукмронлик аломатларини кўриб улардан ихлослари қайтган. Ака-ука ҳатто шўро идораларида туриб ҳам миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари томонида ўз халқлари истиқлоли учун курашишган. Эргаш Шомансуров «қулоқлар билан алоқа қилганлиги» учун 1928 йилда фирқадан чиқарилганлиги ва 1929 йилда «Советларга қарши фаолияти учун» уч йилга қамалиб чиққанлиги ҳам шундан далолат беради.

Ўз қисматлари худди шундоқ бўлишини Шомансуровлар ҳам тушунишган. Аммо уларда халқ истиқлоли учун кураш туйғуси жон қайғусидан устун бўлган. Халқимиз эришган мустақиллик, нурли кунлар учун 30-йиллардаёқ кураш бошлаган, истиқлол қурбонлари бўлган аждодларимиз номларини хотирлаб, руҳларини шод этмоқ— бурчимиз.

**Мурод КАЛОНХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КЎМАКЛАШГАННИНГ КЎМАКЧИСИ КЎП

**ҚЎШҚЎПИР туманида Ғозовот номи билан аталувчи гавжум қишлоқ бор. Одамлари аҳил ва иноқ. Тўй-маъракаларда хонадон соҳибларидан кўра қўни-қўшни дўст-биродарлар кўпроқ елиб югуришади.**

Кейинги беш йил ичида ҳамқишлоқлар ҳашар йўли билан ўзларига икки юздан кўп янги, данғиллама иморатлар қуриб олишди. Учта мактаб, ферма, чойхона бинолари, 2 минг хонадонга уланган табиий газ қувурлари монтажи ҳамда ички водопровод тармоқлари ҳам ҳашар усулида барпо этилди. Ҳозир эса ёзги ва қишки томошагоҳлари бўлган муҳташам клуб биноси тикланмоқда.

Бу ҳудудда ўзбеклар ва туркманлар, қўшни, кўпинча эса аралаш яшашади. Қишлоқнинг шундоққина остонасидан қўшни Туркманистоннинг Тахта райони далалари бошланади. Икки эл бир-бирига ҳамиша сирдош, кўмакдош. Туркманда иморат қурилса ғозоботликлар гурас-гурас бўлиб боришади. Ўз навбатида қўшнилар ҳам ўзбек биродарларидан ҳиммат ва мададларини дариғ тутишмайди. Ҳар иккала элнинг дилини бирлаштиришда Абдукарим Абдураҳмоновнинг хизмати катта. Абдукарим ака туркман фарзанди. Киндик қони Тахтада тўкилган. Қўшкўпирдаги ўзбек хонадонида камолга етган, Ҳозир шу ердаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалигига раислик қилади. Тадбиркор раҳбарга ҳар иккала элнинг ҳам меҳри баланд.

Абдукарим ака қўшничиликни ўзаро ҳашардангина иборат деб билмайди. Зукко раиснинг саъй-ҳаракатлари туфайли давлатлараро хўжалик алоқаларида рўй берган мушкилотлар ҳам жўн ечим топяпти. Мол-маҳсулот, ускуна ва ишчи кучларини ўзаро фойдали негизда айрибошлаш муваффақиятли давом этяпти.

Ўзаро кўмак ва мадад туйғулари Ғозоботда ҳам Тахтада ҳам ҳар бир кишининг қалб-қалбига сингиб кетган.

Ҳашар ва ҳамкорлик элнинг эзгу умидигина эмас, балки одамлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, меҳру оқибат, тинчлик, осойишталик, барқарорликнинг негизи ҳамдир. Қанийди юрт равнақию осойишталигига ўзини масъул билганларнинг бари турмушнинг бу оддий қоидасини дастур қилиб олишса, куч қудрат манбаи деб билишса.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Табиат неъматлари*

# СУВ ИЧИШНИ БИЛАСИЗМИ?

**Яқинда бир талаба ва 15 ёшлардаги қиз бизнинг марказимизда даволаниб кетдилар. Уларнинг касал бўлишларига сув ичиш қоидаларини билмасликлари сабаб бўлган.**

Талаба доимо совуқ сув истеъмол қилар экан. Оқибатда унда қаттиқ бош оғриғи, ҳолсизлик, белида, оёқларида, умуман бутун танасида кучли дард пайдо бўлган. Умумий қувватсизлик, жинсий ожизлик, иштаҳа йўқолиши, хотира сусайиши каби салбий иллатлар авж олган. Унинг ички қувватлари сўна бошлаган. Бизлар ўтказган муолажалардан сўнг беморнинг аҳволи анча енгиллашди.

Иккинчи беморимиз ҳам худди талаба йигитдек касалланган. У бир ҳафта ичида уйдаги 60 шиша сувнинг қарийб ҳаммасини паққос туширган. Натижада қизнинг бутун танасида шишлар пайдо бўла бошлаган. Касалхонада беморнинг буйраги яхшилаб текширилган. Аммо қон ва сийдикда хасталик аломатлари сезилмаган. Эмлашлар натижа бермаган. Пировардида у бизга мурожаат қилган. Бемор истисқо касаллигига чалинган, дея ташхис қўйдик. Лекин бизнинг муолажаларимиз ҳам кўнгилдагидек натижа бермади.

Бундай дардга чалинаётган кишилар жуда кўпчиликни ташкил қилади.

Ёшлигимда раҳматли отам, онамиз ва бошқа қариялар қизиб келиб сув ичма, овқат еб бўлгач, сув ичма, оёғингни совуқ сувга ювма, бошингни ювгач, қуригунча кўчага чиқма, деб насиҳат қилишарди. Бу гапларда қанчалик жон борлигини билиш учун табобатга оид китобларни кўриб чиқдим. Сув ичиш қоидаларини Гиппократ ва Абу Али ибн Сино ўз risolаларида батафсил баён этишган экан.

Гиппократ сувларнинг хусусияти ҳақида шундай ёзади: «Ботқоқлик, сув ҳавзалари, умуман, оқмайдиган сувларнинг хусусиятлари: ёзда иссиқ, қуюқ, ёмон ҳидлик, ёққан қор ва ёмғир сувларидан кўпаяди, қуёшда қизийди. Бу сувлар бузилган бўлиб, ўт ҳайдаш хусусиятига эга». Гиппократ бу хил сувларни ичишни тақиқлайди. Турғун сувларга ҳозирги замон сув омборлари мисол бўлади. Уни истеъмол қилувчилар йўталади, тез-тез шамоллайди, доимо чанқоқлик сезади, талоғи катўтади. Дунёга келган гўдак семизга ўхшайди, аслида, шиш натижасида шундай кўринади. Кейинчалик озиб кетади. Болаларда кўпинча грижалар, катталарда қон томирларининг кенгайиши каби касалликлар кўпаяди. Улар тез қарийдилар, умрлари қисқаради.

Гиппократ китобидан инсонга турғун, шўр сувларнинг таъсирини ўргандим. Аммо у даврларда экологияни бузадиган зарарли саноат чиқиндилари, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган заҳарли кимёвий дорилар бўлмаган. Улар ҳозир ичимлик сувларимиз таркибида ҳам истаганча топилади. Болалар ўлими ва сариқ касаллигининг кўпайишига шу заҳарловчи химикатлар билан булғанган сувлар ҳам маълум даражада сабабчи бўлади. Ёмғир ва қор сувларини ичиш ярамайди. Негаки, уни истеъмол қилганда нафас йўллари шамоллаб, йўтал пайдо бўлади, овоз бўғилади.

Ибн Сино сувни тўрт унсурнинг бири, деб ёзади. Унинг фикрича, сув енгил вазнли, ҳидсиз, таъмсиз, иссиқ ва совуқни тез қабул қилувчи суюқликдир. Энг тозаси қумсиз жойдан ёки чучук лой устида тез оқаётган дарё сувидир. Дарё қанчалик катта бўлса, суви шунчалик яхши бўлади.

Сув ичишнинг ҳам ўз қоидаси бор. Уни ҳар биримиз билишимиз шарт.

Оч қорнинг ичилган сув меъдани заифлаштиради ва мияни совутиб икки важҳдан назлалар вужудга келтиради, буйрак ва қора жигарни яхлатади. Натижада истисқо касаллигига шароит ҳозирлайди;

— овқат еяётган пайтда ичилган сув эса меъда ва таом муносабатини бузиб, овқат ҳазм бўлишини заифлаштиради;

— кўп сув ичиш, жимодан сўнг, оғир жисмоний меҳнат пайтида сув истеъмол қилиш уч важоҳатга зарар қилади. Биринчиси шуки, у барча аъзолардаги туғма ҳаракатни секинлаштиради. Сезги органлари фаолиятини сусайтириб, титроққа гирифтор қилади. Иккинчиси, жигардаги ажратувчи қондан сувни айиришга заифлик қилиб қолади. Бу ҳол кўпинча истисқо касалини келтириб чиқаради. Учинчиси, истеъмол қилинган овқатнинг суюлтириб вақтидан олдин тушириб юборади;

— олтингугуртли сув эса хилтларни қуйдириб, уларнинг сасишига сабаб бўлади;

— аччиқтошли сув танани буриштиради, ични қотиради, кўракни дағалаштиради, товушни бузади, сийдикни тутади, меъданн торайтиради, оздиради;

— тузли сув кўришни хиралаштиради, эшитишни оғирлаштиради, бошда шовқин пайдо қилади, буйракда тош ҳосил қилади;

— аччиқ (какра) сув хилтларни саситади, иситма чиқишига сабаб бўлади, кўпинча истисқо касалини пайдо қилади;

— нордон сув ичаклар ва меъдани тирнайди, ўқчитади, истисқо касалини пайдо қилади;

— наҳорга (ичилган) сув меъдани заифлаштиради ва мияни совутиб, икки важҳдан назлалар вужудга келтиради. Биринчиси, миянинг меъда билан ҳамкорлиги, иккинчиси эса тоза сув бўғларнинг (миянга) кўтарилиши туфайли содир бўлади. Жигар ва қора жигарни совутади ва истисқо касаллигига замин ҳозирлайди;

— таомдан сўнг ичилган сув таомдан уни қабул қилувчи меъда бўлакларини ажратиб қўяди. Натижада овқатнинг ҳазм бўлиши қийинлашади. Оқибатда кўпинча жигар билан меъда оғрийди.

Кимки юқоридаги маслаҳатларга риоя қилса, сув туфайли содир бўладиган хасталикларга чалинмайди.

**Маднёр САЛОЕВ,**
**«Шарқ» халқ табобати маркази директори.**

# ...ЖОН РИШТАСИН ТОР ЭТИБ

**Алишер Навоий замондоши, форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг инсониятга қолдирган жуда катта адабий ва илмий мероси шоир ҳаётлигидаёқ замондошлари томонидан тўла тан олинган, уларнинг фахр ва ғурурига сабабчи бўлган эди.**

Жомий адабий меросида панд-насиҳатга, пандномага жуда катта ўрин берилган. Жомий панд-насиҳатнинг жамиятда тутган ўрнини инсонларнинг инсоний эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгилаган. Улуғ шоир фикрича, насиҳат қилиш одамларнинг ўзаро муносабатларини, бир-бирига меҳр-оқибатини яхшилайди. Насиҳат — бу ҳаётий, илмий ,ақлий тажриба бўлиб, кишилар бу тажрибалардан қанча кўп фойдаланса-лар, уларнинг ҳаёти, ўзаро дўстлиги ҳам шунча яхши бўлади. Шунинг учун Жомий панднасиҳатни кишилар орасидаги, хусусан дўстлар ўртасидаги дўстликнинг ёзилмаган бир шарти, ёқимли тонг шабадаси боғ-бўстонни қандай безаса, аллаласа, инсон ҳаётини, руҳини ҳам ўзига мафтун этадиган бир омил деб қарайди ва ёзади:

**Насиҳатгари бар дили дўстон**
**Бувад чун дами субҳ бар бўстон.**

Мазмуни: Дўстларнинг дилини топиб насиҳат қилиш бўстондан эсган тонг шабадасидан ёқимлидир.

Жомий ижодида панднасиҳат жанрининг ривожланиши Шарқ адабиётларидаги адабий анъаналар билан ҳам яқиндан боғланган эди. Форсий тилдаги адабиётнинг ўзида Жомийга қадар Абдулмажид Сонойининг «Ҳадиқатул-ҳақойиқ», Низомий Ганжавийнинг «Маҳзанул-асрор», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаул-анвар», Жалоллиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» каби, Кайковуснинг «Қобуснома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» каби ўнлаб шеърий ва насрий асарлари яратилган эди.

Жомий ижодида панднасиҳатнинг катта ўрин тутишига яна бир омил бўлганки, бу алоҳида эътиборли. Биз шу пайтгача бу омилдан кўз юмиб келдик. Бу — дин, диний китоблар, бу — Қуръон ва ҳадислар, шу мавзудаги асарлардир. Ҳадисларда: «Дин нима?» деган саволга: «Дин — насиҳатдан иборат», — дейилган. Қуръоннинг «Тоҳа» сурасида ҳам «Қуръоннинг «кишиларга панднасиҳат бўлсин учун нозил» қилингани айтилган. Ўз даврининг улуғ алломаси бўлган Жомий айни вақтда Ҳиротнинг Шайхулисломи, катта дин олими ва мутасаввифи ҳам эди.

Диний китобларда эса кўп вақт бевосита инсонга мурожаат қилинади, уни ҳар бир ишда тўғри йўлдан боришга даъват этилади. Адабиётда ҳам бу соҳада катта тажриба тўпланган бўлиб, бунга ҳамсанавис шоирларнинг фалсафий-дидактик мазмундаги биринчи достонлари яққол мисол бўла олади. Одам билан тўғридан-тўғри гаплашиш, унга мурожаат этиш, унинг кайфиятини ўзига қаратишга ҳаракат қилиш гўзал бадиий воситалардан фойдаланиш — ўша давр шоирлари ижодидаги энг катта йўналишлардан бири эди. Диний дунёқараш ҳукмрон бўлган ўрта аср шароитида бу адабиёт тараққиёти учун ҳам муҳим эди. Жомийнинг ахлоқий поклик, адолат, тўғрилик, ростгўйлик, вафодорлик билан боғлиқ ғоялари кўп ўринда Қуръон ва ҳадисларга бориб боғланади. Масалан, Жомий ўз достонлари ва шеърларида қайта-қайта адолатсизликни қоралаб, сахийликни улуғлаб ёзар экан, Қуръондаги фикрларга ҳам издошлик қилган, суянган. «Аҳқоф» сурасида шундай дейилади: «Албатта, Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас».

Менимча, миқдор жиҳатидан ҳеч ким панднома йўналишида Жомийчалик кўп асар яратмаган. Ҳамма хамсанавислар биттадан фалсафий-дидактик достон ёзган бўлса, Жомий «Хамса»синиг етти достонидан тўрттаси шу характерда. Улардан энг каттаси «Силсилатув-зиҳаб» уч қисмдан иборат. « Туҳфатул-аҳрор», «Сибҳатул-аброр» бевосита Низомийнинг «Махзанул-асрор», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор» достонларига жавоб тарзида битилган.

Жомий «Сибҳатул-аброр»да қаноат қилишнинг фазилатларини улуғлаб, очкўзлик, ҳирсни қоралар экан, бу ғояни ўқувчи онгига етказиш учун оддий гаплар билан чекланиб қолмайди, у очкўзликка, мол тўплашга ҳирс қўйган, бунинг учун ўзини ўққа-чўққа уриб, ҳар тешикка кириб чиқишга тайёр одамни нарса тўплаш учун бир кунда юзта гўрга кириб чиқадиган чумоли-мўрга ўхшатади:

**Эй камар баста басад ҳирс чў мўр,**
**Вон ту, гар бари ин ҳирс ба гўр.**

Таржимаси: Эй чумоли каби (белига) юзта ҳирс камарини боғлаган (инсон),
Ҳолингга юз войким, бу ҳирс сени гўрга етакламоқда!

Жомий «Сибҳатул-аброр»да мамлакатни адолат асосида бошқариш мамлакатнинг гуллаб-яшнашига олиб келишини изоҳлар экан, бу ҳақдаги умумий мулоҳазалар билан чекланмай, у тарихдан Нўширавон ҳикоясини келтиради. Айтишларича, Нўширавон ниҳоятда одил подшоҳ бўлиб, унинг даврида халқнинг турмуши фаровон, мамлакат обод бўлган. Умрининг охирида ўз ишларини текшириб кўриш учун ўзини касалга солади ва бу касалига бирор вайронадан келтирилган ғишт дори бўлишини айтади. Мамлакат бўйлаб вайрона уй қидириб кетадилар. Лекин ҳеч қаердан ҳеч ким бузилиб ётган уйни топа олмайди. Оқибатда улар Нўширавонга узр айтиб, мамлакатдан битта ҳам бузуқ уй топа олмаганларини арз қиладилар .Бундан Нўширавон хурсанд бўлиб, шоҳ сифатида муддаосига эришганини, ғишт тўғрисидаги гап ҳақиқатни билиш учун ўйлаб топилган бир нарса эканини айтади.

Жомийнинг панд-насиҳат билан боғлиқ асарлари чинакам бадиий асарлардир. Улар қуруқ дидактика — панд-насиҳатдан иборат эмас. Улуғ шоир адабий меросининг қадр-қиммати, умрбоқийлиги, таъсирчанлиги сабаби ҳам шундан.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

**ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ.**

Абдул Ғани Жума олган сурат.

# «Баҳор» қизлари байрамлар арафасида

**Ўзбек рақс санъатининг ёруғ юлдузи Мукаррам Турғунбоева ҳаёт бўлганида 80 ёшга тўларди. Мукаррам Турғунбоева номидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева билан бўлган суҳбатимиз ҳам устоз санъаткорни эслашдан бошланди.**

**— Маъмура опа, бутун онгли ҳаётини ўзбек рақс санъатининг ривожига бағишлаган Мукаррам Турғунбоеванинг 80 йиллигига кўрилаётган тайёргарлик тўғрисида сўзлаб берсангиз. Зеро, у киши сиз раҳбарлик қилаётган жамоанинг асосчисидир.**

— Ҳақиқатан ҳам, юбилей марказида бизнинг ансамблимиз туради. Барча тадбирлар асосан «Баҳор» концерт залида бўлиб ўтади. Шунинг учун диққатимизни, аввало, жамоамиз жойлашган бинога қаратдик. Бунинг иккинчи сабаби ҳам бор. Шу йил «Баҳор»нинг ташкил этилганига 35 йил тўлади. Хуллас, қўшалоқ анжуман арафасидамиз. Маросимларни ўтказишга етарли маблағ ажратиб берганлари учун мамлакатимиз раҳбарларига катта раҳмат. Мана, дастлабки таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик.

Мукаррам опа доим «Баҳор» ансамбли қошида рақс студияси очиш ҳақида гапирарди. Аммо ўша пайтда бунинг иложи бўлмади. Яқинда шу ишнинг уддасидан чиқиб, ансамблимиз қошида студия очдик. Унда 40 нафар рақкоса илк маҳорат сирларини ўрганмоқда. Флорида Низомиддинова мураббийлик қилаётган бу жамоа юбилей тантаналарида ўз чиқишлари билан ҳаммамизни хушнуд этади деган умидимиз бор. Мазкур студиянинг ташкил этилиши ҳам опанинг таваллуд тўйига совғамиз бўлади.

Мукаррам Турғунбоева ҳаётлигидаёқ ўз уй музейига асос солганди. Бу қадамжо бироз эътибордан четда қолгани учун уни ансамблимиз биносига кўчиряпмиз. Пайтдан фойдаланиб опани кўрган, билган, ў кишининг, ансамблимизнинг ҳаёти билан боғлиқ ашёларга эга бўлган санъат мухлисларини ёрдамга чақирмоқчи эдим. Азизлар, агар сизларда опанинг шахсига дахлдор буюмлар бўлса, музейимиз экспонатларининг бойишига ҳисса қўшинг. Жамоамиз сизнинг бу хайрли ишингизни юбилейга туҳфа ўрнида қабул қилади.

Бундан ташқари, шу сана-нага атаб апрель ойида опа ижро этган рақслар кўригини ўтказмоқчимиз. Шунингдек, Тошкентдаги хореография билим юртига Мукаррам Турғунбоева номини бериш ва у кишининг номида махсус мукофот таъсис этиш таклифини мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этдик. Ўйлайманки, бу ишлар ҳам ижобий ҳал бўлади.

**— «Баҳор»нинг давр билан боғлиқ муаммоларини ҳам айтиб ўтсангиз.**

— Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган иқтисодий танглик, халқ таъбири билан айтганда, кўпга келган тўй. «Баҳор» жуда катта жамоа. Ундаги ҳар бир рақкоса учун неча минг сўмлик либос керак. Безакларнику, гапирмаса ҳам бўлади... Яна бир жиддий муаммо кадрлар масаласидир. Хореография билим юртида битирувчиларга нотўғри йўналиш берадиган мураббийлар кўпайиб кетган. Бундай ўқитувчилар қизларга сен зўрсан, қадди қоматинг келишган, ҳаракатларинг дуруст, деган мазмундаги сўзларни айтиб уларни турли майда, пулдор гуруҳларга буриб юбормоқда. Аммо қизлар тезда адашганликларига иқрор бўлиб, бизга иш сўраб келишяпти. Ҳозир жамоамизда бундай рақкосалар талайгина.

Илгари «Баҳор», «Яазги», «Шодлик» деган уч йирик ансамбль бор эди. Энди уларнинг саноғига етиб бўлмайди. Қўлини кўтаришни билган одам борки, саҳнага чиқиб рақс тушяпти. Аҳвол шу тахлитда кетаверса томошабин биздан бутунлай безади. Хуллас, рақсга тушишни илоҳий иш деб келган Мукаррам Турғунбоеванинг қадри, шу кунларда айниқса бўлакча бўляпти, ўрни билиняпти. Ана шундай ташкилотчи, тадбиркор санъаткорнинг юбилейи барчамизнинг байрамимиз. Уни бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан чиройли ўтказишимиз керак. Шогирдлик бурчи шуни талаб этади.

**Р. ФАЙЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ЖОНОН ПИЁЛАЛАР

Тошкентлик рассом А. Нўъмоновнинг асарлари кўргазмасида гулининг нозиклиги, рангларининг ҳилма-ҳиллиги билан ҳайратга соладиган идишлар тажаммули намойиш этилмоқда. Бу буюмларни Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида томоша қилиш мумкин.

Рассом истеъдодининг маҳсули бўлмиш анвойи гуллар ҳайратга солади. Уларнинг кўпи анъанавий услубда чизилган бўлса-да, муаллиф мўйқалами уларга замонавий тус берган. У янги гулларни ҳам яратган. А. Нўъмонов асарлари кўпгина кўргазмаларда намойиш этилган, аммо шахсий кўргазмаси биринчи марта ташкил этилди.

Ўзбек чинниси тарихи катта эмас — атиги 40 йил. Ўзбекистон рассомлари чиннига гул солиш сирларини ўрганиб, изламишни давом эттирмоқдалар. Нўъмоновнинг сўзларига қараганда, у гул солган чинни буюмлар одамларда шодиёна найфият вужудга келтиради. Томошабинлар рассомнинг бу фикрини тасдиқлашмоқда.

**ЎзА.**


# ЭЪЛОНЛАР

**АВТОМОБИЛЛАР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Агар сизда автомобилларни таъмирлаш, сервис хизмати кўрсатиш ёки зарур қисмларни, агрегатларни топиш муаммоси бўлса "ЎЗАВТОРЕМОНТ" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР**

Биз сизга техника хизмати кўрсатишдан капитал таъмирлаш ишларигача, оддий болт ясашдан автопоезд тайёрлашгача бўлган кенг миқёсдаги ишларни бажариб берамиз. Барча ишлар юқори сифат билан бажарилади ва нархлари келишиб олинади.

Кўрсатиладиган хизмат турлари, тайёрланадиган эҳтиёт қисмларнинг номенклатураси, гараж жиҳозлари ва халқ истеъмол молларини кўриш ҳамда буюртмалар бериш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

700015, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 18.
Телефонлар: 33-75-68, 54-76-58, 33-13-84.

СИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ, ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

**"А.Л.Ч.А.-Ltd" фирмаси**

Сизнинг маблағингизни Ўзбекистондан Украинага зудлик билан ўтказиб беради. Тўловларга Киевдаги "АНТЕК" банки кафолат беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент, Академшаҳарча, "АКАДЕМПРИБОР" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 405-хона.

*М. Горький метро бекатидан 83, 17 - автобуслар, 13, 6, 22 - трамвайлар, 17,18 - троллейбусларнинг, "Академшаҳарча" бекати.*

Телефон: (3712) 62-80-36
Факс: (3712) 62-91-52

**Ангрен картон идишлар комбинати**

биржа баҳоларидан арзон нархларда КАРТОН ИДИШЛАР етказиб бериш учун шартномалар тузади

Маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
8-266-3-44-52
8-266-3-74-26

**Ангрен картон идишлар комбинати**

ташкилотлардан ва фуқаролардан чекланмаган миқдордаги макулатуранинг бир тоннасини 6500-8500 СЎМДАН СОТИБ ОЛАДИ. Бартер усулини ҳам қўллашимиз мумкин.

Маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
8-266-3-74-26
8-266-3-78-28


## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Халқ сўзи» редакцияси жамоаси газетанинг бўлим муҳаррири Абдусамад Йўлдошевга акаси

**Абдужалил ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республика уюшмаси жамоаси уюшманинг бошқарма бошлиғи Т. Б. Хўжаевга падари бузруквори

**Бобохўжа ХУЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректорати ва жамоат ташкилотлари Шарқ тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

**Абдуҳафиз ҒАНИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси республика миқёсидаги шахсий пенсионер

**Ботир ХАЛИЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси Мирзо Улуғбек район ижтимоий таъминот бўлимининг мудири Гулнора Йўлчиевага ўғли

**ДОНИЁР**нинг

бевақт вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Газетанинг ушбу сонига А. Бойқўзиев, Ш. Умиров навбатчилик қилишди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Буюртма Г — 33. 1 2 3 4 5 6